



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 6, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2023

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайжон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербургда Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Сайнова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети


**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Севара Пулатова</b> ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Ғарбий Европа ва АҚШ тарихшунослиги методлари асосида).....	4
<b>2. Дилафруз Атамуратова</b> ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
<b>3. Норпулат Аҳмеджанов</b> ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
<b>4. С.И. Габриэлян</b> XIX АСР ОХИРИ КОНСЕРВАТОРЛАР ДАВРИ ЭРОНИДА АНГЛИЯ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	21
<b>5. Шахноза Касимова</b> МУЗЕЙ КОММУНИКАЦИЯСИ БАДИИЙ ВА ЭСТЕТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСИ СИФАТИДА.....	31
<b>6. Қобулжон Насритдинов</b> СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ СИЁСАТИГА БЎЙИНСУНДИРИЛИШИ ТАРИХИДАН (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....	36
<b>7. Эркин Раджапов</b> ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҲАРБИЙ СИЁСАТИ ВА “МУСУЛМОН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИ”.....	44
<b>8. Гавҳар Турсунова</b> РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ЖАРАЁНИДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИ ОЛИБ БОРГАН МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	57
<b>9. Nodira Shermatova</b> ABU NASR FAROBİY FALSAFASIDA BILISH KATEGORIYALAR.....	70
<b>10. Fotima Shirinova, Zumrat Kasimova</b> MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA MA'NAVİY – MADANIY TARAQQIYOT.....	76
<b>11. Бахтиёр Халмуратов</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК: ЭТНИК ВА ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАР.....	82
<b>12. Xurshid Egamqulov</b> XALQ XIZMATIGA BANSHIDA UMR (Jizzax “Milliy ittihad” sho‘basi a’zosi Orifjon Olimjonov haqida).....	86



Эркин Ганиевич Раджапов,  
Инновацион ривожланиш агентлиги бош мутахассиси

## ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҲАРБИЙ СИЁСАТИ ВА “МУСУЛМОН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИ”

**For citation:** Erkin G. Radjapov, THE MILITARY POLICY OF THE SOVIET AUTHORITY IN THE REGION OF TURKEY AND "MUSLIM MILITARY UNITS". Look to the past. 2023, vol. 6, issue 2, pp.44-56

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7680653>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон минтақасида маҳаллий миллат вакилларида куруллик кучларни ташкил этиш ҳамда шакллантириш жараёни мураккаб кечганлиги илмий тарзда ўрганилган. Дастлабки вақтларда совет ҳокимияти Россия империяси даврида ҳарбий хизматга сафарбар этилмаган маҳаллий аҳолидан аҳолининг миллий хусусиятларини, энг аввало эътиқодий қарашларини ҳисобга олган ҳолда қўшин шакллантиришга ҳаракат қилганлиги кўрсатилган. Шунингдек, совет ҳокимиятига қарши курашаётган куруллик қаршилиқ ҳаракати вакиллари учун ислом дини уларни Туркистон озодлиги йўлида ғоявий бирлаштирувчи куч вазифасини бажарганлиги ёритилган. Совет ҳокимияти томонидан маҳаллий аҳоли вакиллари ҳарбий хизмат ва қисмлар сафига тортиш жараёнида дастлабки вақтларда маҳаллий аҳолининг ҳарбий сифатлари, маиший турмуш тарзи ҳаттоки эътиқоди каби хусусиятлар ҳисобга олинганлиги илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** Россия империяси, совет ҳокимияти, Туркистон, ҳарбий хизмат, куруллик қаршилиқ ҳаракати, маҳаллий аҳоли, ислом дини, эътиқод, ҳарбий сифат, маиший турмуш тарзи.

Эркин Ганиевич Раджапов

Главный специалист Агентства инновационного развития

## ВОЕННАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В ТУРКЕСТАНЕ И «МУСУЛЬМАНСКИЕ ВОЕННЫЕ ЧАСТИ»

### АННОТАЦИЯ

В статье научно изучен процесс организации и формирования вооруженных сил из представителей местных национальностей в Туркестане в первые годы советской власти. Показано, что на первых порах советская власть пыталась формировать армию из местного населения, не мобилизованного на военную службу в период Российской империи, с учетом национальных особенностей населения, в первую очередь, его религиозных взглядов. Также

поясняется, что для представителей движения вооруженного сопротивления, боровшегося против советской власти, ислам служил идеологической объединяющей силой для освобождения Туркестана. Научно доказано, что при наборе представителей местного населения на военную службу и в части советская власть в первые годы учитывала воинские качества, бытовой образ жизни и даже веру местного населения.

**Ключевые слова:** Российская империя, Советская власть, Туркестан, военная служба, движение вооруженного сопротивления, местное население, ислам, вера, воинские качества бытовой образ жизни.

**Erkin G. Radjapov**

Chief specialist of the Agency for Innovative Development

## THE MILITARY POLICY OF THE SOVIET AUTHORITY IN THE REGION OF TURKEY AND "MUSLIM MILITARY UNITS"

### ABSTRACT

In the article, the process of organizing and forming armed forces from representatives of local nationalities in the Turkestan region in the early years of Soviet power was scientifically studied. It is shown that in the early days, the Soviet authorities tried to form an army from the local population who were not mobilized for military service during the Russian Empire, taking into account the national characteristics of the population, first of all, their religious views. It is also explained that for the representatives of the armed resistance movement fighting against the Soviet power, Islam served as an ideological unifying force for the freedom of Turkestan. It is scientifically proven that in the process of enlisting representatives of the local population for military service and units, the Soviet authorities took into account the military qualities, household lifestyle, and even faith of the local population in the early days.

**Index Terms:** Russian Empire, Soviet power, Turkestan, military service, armed resistance movement, local population, Islam, faith, military quality, household lifestyle.

### 1. Долзарблиги:

Маълумки, Туркистон Россия империяси тарафидан босиб олинган, узоқ йиллар мобайнида хавфсизлик нуқтаи назаридан ва маҳаллий аҳолини итоатда сақлаш учун рус ва европа миллатига мансуб ҳарбий кўшиндан фойдаланилган. Маҳаллий аҳоли эса ҳарбий-аскарлик хизматига сафарбар этилмаган. Шу боис ҳам минтақадаги миллий кўшин ташкил этиш жараёнига 1917 йил воқеаларидан кейин тараққийпарварлар ҳамда улар бошчилигидаги сиёсий ташкилотлар раҳбарлик қилган. Улар томонидан маҳаллий миллат вакилларидан ҳарбий кўшин шакллантирила бошланган. Даврий матбуот саҳифаларида “мусулмон қисмлари” ёки “мусулмон аскарлари” деган ном билан тилга олина бошланади. Албатта мазкур жараёнда эътиқодий қарашлар ва ислом дини омили ҳам муҳим аҳамият касб этган. Мавзунинг ўрганилиши чор Россияси ва совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган ҳарбий сиёсатнинг мустақиллаштириш моҳиятини очиқ беришда долзарб аҳамият касб этади.

### 2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантаний таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг ҳарбий сиёсати ва “мусулмон ҳарбий қисмлари” фаолияти ўрганилди.

### 3. Тадқиқот натижалари:

1917 йил 28 февралда Россия империясининг пойтахти Петроградда юз берган февраль инқилобининг ғалабаси натижасида Романовлар сулоласи ағдариб ташланди. Подшо ҳукумати ўрнига 1917 йилнинг 2 мартда Муваққат ҳукумат тузилди. Мазкур жараёнлар таъсирида Туркистонда ҳам сиёсий жараёнлар фаоллашиб, юрт тақдирини ўйлаган тараққийпарварлар ва уламолар томонидан “Шўрои Исломия”, “Шўрои Уламо”, “Турк Адами Марказият” фирқаси, “Турон”, “Иттифоқи мусулмин” каби сиёсий ташкилотлар тузилди. Ушбу ташкилотлар

фаолиятида Туркистонда тузиладиган янги давлат тузилиши масалалари бош мавзуга айланди. 1917 йил 16 апрель ва 10 сентябрдаги Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг I ва II курултойида кўрилган масалаларда ўлкадаги сиёсий бошқарувга, бўлажак давлатни ташкил этишга қаратилди. Февраль инқилобининг таъсири билан Туркистонда касаба уюшмалари оммавий равишда ташкил этилди, маҳаллий халқлар тилларида газеталар чиқа бошлади. Бу жараёнда миллий кўшин масаласи эътибордан четда қолмади.

Ушбу жараёнда Туркистонда миллий кўшин ташкил этиш масаласига Туркистон ўлкаси зиёлилари томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Февраль воқеаларидан кейинги миллий кўшин ташкил қилишга бўлган амалий ҳаракат 1917 йил апрель ойидаёқ бошланган эди. Унда мусулмон аскарлари Тошкентдаги рус-татар мактаби биносида йиғилиб ўзларининг махсус ташкилотларини тузадилар. Ушбу тузилма Туркистондаги аскарларнинг дастлабки ҳарбий ташкилоти ҳисобланиб, унинг номидан ҳатто 1917 йилнинг 27 апрелида Москвадан олинган телеграммага кўра, Москва шаҳрида бўладиган мусулмон ҳарбийлари мажлисига вакил сифатида ўзларининг икки вакиллари – Ф.Султонбек ҳамда Низомиддин Олимбековлар (манбада уларнинг шахси ҳақида маълумотлар берилмаган – Р.Э.)ни сайлайдилар.

Туркистонда ташкил этиш кўзда тутилган ҳарбий тузилмалар миллий матбуот саҳифаларида “мусулмон қисмлари” ёки “мусулмон аскарлари” тарзида келтирилади. Туркистон Россия империяси тарафидан босиб олингач, узоқ йиллар мобайнида хавфсизлик ва ерлик аҳолини тобеликда, итоатда сақлаш учун рус ва европа миллатига мансуб ҳарбий кўшиндан фойдаланилди. Ерлик аҳолидан эса аскарлик хизматига сафарбар этилмади. Шу боис ҳам минтақадаги миллий кўшин ташкил этиш жараёнига 1917 йил воқеаларидан кейин тараққийпарварлар ҳамда улар бошчилигидаги сиёсий ташкилотлар раҳбарлик қилди. Улар томонидан маҳаллий миллат вакилларида ҳарбий кўшин шакллантирила бошланди. Даврий матбуот саҳифаларида эса, хусусан, “Улуғ Туркистон” газетаси ҳамда айрим рус тарихчилари асарларида[1] “мусулмон қисмлари” ёки “мусулмон аскарлари” деган ном билан тилга олина бошланди. Албатта мазкур жараёнда эътиқодий қарашлар ва ислом дини омили ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Мусулмон аскарлари томонидан ташкил этилган тузилма доирасида ўтказилган дастлабки йиғилишларда кўшиннинг тузилиши ва унинг таъминоти каби масалалар муҳокамага тортилди. Хусусан, Тошкентда 1917 йилнинг 7 августидан ўтказилган мусулмон ҳарбий кўмитасининг мажлисида муҳокама қилинадиган масалалар қатори Қозондаги Ҳарбий Шўрога моддий ёрдам сўраб мурожаат қилиш, агар ҳарбий кўмитага керакли маблағ топилмаса, мазкур масалани муҳокама этгандан сўнг, бу ҳақида “Шўро Исломия”, “Турк Адами Марказияти”, “Иттифоқ” ҳам “Шўро Уламо” жамиятига мурожаат этиш масаласи кўриб чиқилди. 1917 йил 12 августда бўлиб ўтган мусулмон ҳарбий кўмитасининг навбатдаги мажлисида мусулмон роталари ва полклари ташкил этиш масаласи такрор музокарага қўйилди ҳамда генерал Янгиев ва Мирбадаловлар кўмита сафига қабул қилинди. Бу мажлисда кўрилган масалалардан энг муҳими мусулмон роталари ва полклари учун икки дона бири қизил, иккинчиси яшил рангда бўлган махсус туғ ясашга қарор қилингани эди[2].

1917 йил сентябрь ойида Туркистонда кучли мусулмон кўшинлари тузиш масаласи Туркистон тараққийпарварлари томонидан жиддий сиёсий масала сифатида ўлка мусулмонларининг II курултойида муҳокама қилинган ва бу соҳада баъзи ишлар амалга оширилган. Бу йўлда амалга оширилган энг муҳим тадбирлардан бири Тошкент шаҳри ва унинг атрофида мусулмон аскарлари учун тез-тез “мусулмон аскарлари куни” номли махсус байрам ташкил этилганлиги эди. Бу кунда мусулмон аскарлари фойдасига ионалар[3] тўпланган ва йиғилган ионалар (маблағлар) миллий полклар ташкил этиш учун сарфланган.

1917 йилнинг 2 октябрида ўлкадаги мусулмон аскарлари фойдасига Тошкентда “мусулмон аскарлари куни” ўтказиш муносабати билан 3 киши – Менгли Гирай Янгиев, Собиржон Шукуржонов, Ҳакимбековлардан иборат ҳарбий комиссия тузилади.

Туркистон тараққийпарварлари маҳаллий миллат вакилларида миллий ҳарбий тузилмалар тузишга алоҳида аҳамият бердилар ва бу йўлда Қозон шаҳрида жойлашган Марказий Ҳарбий Шўрога катта умид билан қарадилар. “Русияда олинган хурриятни сақлаш

биз мусулмонлар учун зарурдир. Хурриятни курук сўз ва тил билангина сақлаб бўлмас. Бунинг учун мунтазам аскар керак. Қозонда тузилган Мусулмон Ҳарбий шўроси бизнинг ва бутун Русия халқининг ишончи, орқа таянчидир. Шунинг учун бу шўрога ёрдам этмак мусулмон ва турк болаларигина эмас, балки Русиянинг бахт-саодатини тилаган ҳар бир маданий одам боласининг муқаддас бурчидир”, – дея ўлка аҳолисига мурожаат қилинди[4]. Аммо бу ҳаракатлар ва мақсадларнинг барчаси ҳеч қандай натижа бермади.

1917 йилдан сўнг Туркистон ўлкасига Россия ички губернияларидан ҳарбий кучлар келишининг янада кучайиши ҳамда Туркистон тараққийпарварларининг етакчилари Россия ва Туркистонда кечаётган мураккаб сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, давлат мудофаасини кучайтириш, ўз миллий қўшинини ташкил этишни ўз олдларига мақсад қилганликлари сабабли Туркистоннинг келажакдаги миллий армияси учун асослар вужудга келтириш юзасидан бир қанча чора-тадбирлар ўтказдилар. Шундай тадбирлардан бири сифатида 1917 йил 18-24 октябрда бўлиб ўтган Туркистон мусулмон аскарларининг съезди сўнггида қуйидаги икки муҳим қарорнинг чиқарилишига сабаб бўлган:

1. Мусулмон роталарини айириб, алоҳида миллий батальон ташкил этиш;
2. Тошкентда 12 кишидан иборат бўлган Марказий Ҳарбий Шўро тузиш[5].

Ушбу қарорлар натижасида Тошкент Марказий ҳарбий кенгаши — Ҳарбий Шўро ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган. Бухоролик Собиржон Юсупов ҳарбий раис этиб сайланган бу ҳарбий кенгаш таркибига 12 киши киритилди[6].

“Улуғ Туркистон” газетасида “1917 йил 15 ноябрда Тошкентда ишчи депутатларининг ижроия қўмиталари мажлисида Қозондаги марказий ҳарбий шўродан келган вакил тарафидан киритилган мусулмон солдатларининг аҳволларини яхшилаш тўғрисидаги ариза муносабати билан Тошкентда ташкил қилинган мусулмон батальони масаласи кўриб чиқилди. Қозондан келган вакил Марказий Ҳарбий шўронинг ушбу қарорини эълон қилган: “Ҳарбий шўро ўзининг 24 октябрда бўлган кичик мажлисида ҳукумат идорасининг демократия қўлини кўчганлик масаласин қараб ушбу қарорни берди: Исполнительный комитет аскарни сунъий равишда миллийлаштирув демократияга хилоф деб ҳамма мусулмон солдатлари орасида ўз полкларина қайтурга жилагувчилар (хоҳловчилар) борлигин баён этиб Тошкентдаги мусулмон батальонин тарқатурга қарор берган”, – дея хабар беради. Шунинг ила баробарида мусулмон солдатларина бу батальондан ўзлари тилаган аскарний частларга қўшилурга ихтиёр берилган[7].

Мазкур қарорга Тошкент мусулмон аскарлари ҳам ўз муносабатларини билдириб, Тошкент ишчи, деҳқон ва аскар депутатлари бошқарув қўмитасининг мусулмон аскарларини аввалги батальонларига қайтариш ҳақидаги 15 ноябрда чиқарган қарорига 207 мусулмон аскар “Биз ҳеч бир вақтда аввалги ўринларимизга қайтиб бормаймиз”, – дея баёнот берганлар. Баёнотда ўлка мусулмон аскарлари ўзларининг мустақил бўлиб ажралиб чиқишлари сабаби қилиб “Биз мусулмон аскарлари ўз тилақларимиз ила миллий ва маданий амалларимизни вужудга чиқарув учун мусулмон батальонига ажралиб чиқдик”[8], – деган сабабни кўрсатганлар.

Миллий ҳарбий тузилмаларни шакллантириш йўлида Туркистон тараққийпарварлари ва ўлканинг илғор вакиллари томонидан кенг миқёсли ишлар амалга оширилган бўлса-да, бироқ бу пайтда большевиклар партиясининг таъсири ортиб борганлиги сабабли кучли мусулмон қўшинини тузиш иложи бўлмаган. 1917 йилдаги февраль инқилоби демократик руҳдаги эркинликлар учун имконият эшикларини очган бўлса, кейинги рўй берган октябрь воқеалари эса ҳар қандай демократик тамойиллар ва ғояларга барҳам бериш, бундай тамойиллар тарафдорларини жисмонан йўқотиш, ҳокимиятни ягона мафкура асосида якка ҳолда бошқариш усулини танлади.

Марказий мусулмон ҳарбий комиссарлиги жойлашган Қозон шаҳрида 1917 йил июль ойида Бутун Россия мусулмонларининг умумий съезди бўлиб ўтди. Унда “Бутун Россия мусулмонларининг аскарний съезди” ва “Бутун Россия ислом уламолари съезди”нинг қўшма мажлиси иш кўрди. Мажлисга қўйилган масалалар қаторида миллий Муҳторият ва мусулмон аскарларидан айрим миллий фирқалар тузиш ҳақида қарор чиқарилди. Бу мажлисда кўрилган

масалалар ҳақида “Улуғ Туркистон” газетаси шундай хабар беради: “Неча асрлардан буёнги эзилиб, энг тубан ўрунда турган мусулмон солдати бундан буён янгича турмуш билан яшай бошлажак. Ўзининг еринда, миллий пўлкинда, мусулмон бошлиқлари билан ўзининг она тилинда сўзлашиб хизмат этажак. Вақтида ўз устину юклатилган ибодатларин қилиб, мусулмонлар махсус (ҳалол) бўлгон ошларни ошалажак”[9]. Мазкур таклифдан сўнг жараён маҳаллий миллат вакиллари манфаатларига зид ўлароқ жадаллашди.

1917 йил октябрда Петроградда амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида Туркистонда ҳокимият зўрлик билан большевиклар қўлига ўтгач, Туркистондаги миллий сиёсий ташкилотлар ўз фаолиятини Тошкентда эмас, Қўқон шаҳрида давом эттиришга мажбур бўлди. Туркистондаги миллий сиёсий ташкилотлар ҳамда ўлка тараққийпарварларининг саъй-ҳаракатлари натижасида Қўқон шаҳрида Туркистон Мухторияти[10] эълон қилинди. Афсуски Мухторият давлат сифатида 72 кун фаолият кўрсатиб, 1918 йил февралда большевиклар томонидан қурол кучи билан ағдарилди.

Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан қурол кучи билан ағдарилгач, совет ҳокимиятига қарши қуролли қаршилик ҳаракати[11] бошланди ҳамда бутун минтақага кенг қулоқ ёйди. Қуролли қаршилик ҳаракат ва бу ҳаракатнинг совет ҳокимияти томонидан баргараф этилиши жараёнида ислом дини муҳим аҳамият касб этди.

Тошкентда 1918 йил 20 апрель куни Туркистон советларининг V қурултойи очилди. Съезд 30 апрелда “Туркистон Совет Федератив Республикаси тўғрисида Низом”ни қабул қилди. Низомга кўра, РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР) тузилди[12]. Унинг таркибига Бухоро ва Хивадан ташқари Туркистоннинг барча ҳудудлари киритилди. Янги республикада ҳам кўплаб тузилмалар қатори ҳарбий муассасалар ҳамда маҳаллий аҳоли вакиллари билан ҳам қуролли кучлар шакллантиришга киришилди. Дастлабки вақтларда бу ҳаракатлар шошма-шошарлик ҳамда пухта режалаштирилмаганлиги сабабли қутилган натижани бермади.

Туркистон миллий уйғониш ҳаракатининг раҳбарларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) 1918 йил 16 июлда Тошкент шаҳар советининг раиси Тоболин[13] билан учрашиб ғалла, ер-сув масаласи каби масалалар қаторида маҳаллий аҳоли вакиллари аскарликка олиш масаласида “...Аскар масаласидирки, бу ҳар бир нарсани муҳим ва мунинг умумий бўлиши лозим. Аммо мусулмонлар ҳануз шунга ўрганмаган ва ҳам дохил фитначилар қора халқнинг фикридан фойдаланиб, эҳтимолки, баъзи бир фитналарга сабаб бўлсалар. Ва ҳам номаълум ва сиёсатан фикри билкулли нотўғри кишилар қўлига яроқ ўтуб, эҳтимолки, қутилмаган ёмон ҳодисалар пайдо бўлса. Шунинг учун таклиф қиламанки, то халқ ўрганиб, бироз аҳвол ўзгаргунча умумий аскар олинмай, кўнгилли тариқинда тарғиб ва ташвиқ билан ҳам халқнинг аҳволига қараб олинса эди” [14], – деган фикрни билдиради. Юқоридаги фикрларда Туркистон тараққийпарварларининг етакчиси ҳисобланган М.Бехбудий маҳаллий миллат вакиллари билан Россия империяси вақтида ҳарбий хизматга сафарбар этилмаганлигини ҳамда аҳолининг ҳам бунга тайёр эмаслигини назарда тутган.

1918 йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида 1-Тошкент мусулмон батальони ташкил этилди. Кейинроқ бу батальон 2-Туркистон ўқчи дивизияси таркибига қўшиб юборилди. ТАССРда шу йилларда маҳаллий миллат вакиллари билан тузилган ҳамма аскар қисмлар мусулмон ҳарбий қисмлари номи билан аталди[15]. Ташкил этилган ҳарбий қисмлар мажбурийлик эмас, балки ихтиёрийлик тамойили асосида шакллантирилди.

Туркистон АССРда 1918 йилнинг биринчи ярмига келиб, Ишчи-деҳқон қизил қўшини миллий қисмларини ташкил этиш бўйича асосий тайёргарлик ишлари тугатилди. Февраль ойидан бошлаб расмий равишда кўнгиллилик асосида ҳарбий қисмларга дастлабки қабул бошланди. Қизил қўшиннинг миллий қисмларига асосан рус миллатига мансуб кишилар, эски армия аскарлари ҳамда ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари қабул қилинди.

Туркистоннинг барча шаҳар ва уездларида 1918 йилнинг мартада қизил қўшиннинг миллий қисмлари ташкил этилди. 1918 йилнинг майида 1- ва 2-Тошкент батальонларини ташкил этиш бошланди. Шу йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида “1 Тошкент мусулмон батальони” тузилди. Батальон таркибида европаларга нисбатан маҳаллий аҳолининг сон

жиҳатидан устун бўлганлиги сабабли, батальон шу ном билан номланди. Аммо кейинроқ бу батальон 2-Туркистон ўқчи полкига қўшиб юборилди. I Тошкент мусулмон батальонининг бундай номланиши борасида рус тарихчиси Брилев томонидан “Ерли халқдан тузилган ҳамма аскарӣ қисмлар “мусулмон” номи билан аталди, чунки уларнинг асосида миллий эмас, диний аломат бор эди”, – деган бирёқлама фикр билдирилди[16].

Туркистон минтақаси маҳаллий миллат вакиллариининг аксарият қисми большевиклар ва совет ҳокимиятини тан олмас эди. Бу ҳолатни эътибордан четда қолдирмаган большевиклар маҳаллий аҳоли вакилларига ён бериб, улардан бир қисмини 1918 йил баҳоридан бошлаб ҳокимият органларида ишлашларига имконият бердилар. Миллий раҳбар ходимлар бундай имкониятдан Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси миллий манфаатлари йўлида фойдаланишга интиланлар. Турор Рисқулов (1894-1938)[17] раислигида 1919 йилнинг март ойида Туркистон ўлкаси Мусулмонлар бюроси[18] тузилди. Унинг таркибига Низомиддин Хўжаев, Абдулқодир Муҳиддинов, Ю.Иброҳимов, Юсуф Алиев ва бошқалар киритилиб, мусулмонлар бюроси зиммасига маҳаллий аҳоли ўртасида иш олиб боришни ташкил этиш вазифаси юклатилди[19].

Мусулмонлар бюроси Туркистонда қизил армия миллий қисмларини ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. 1919 йилда Мусбюро барча вилоят, шаҳар ва уезд мусулмон бюроси ҳамда мусулмон партия ташкилотларига ўлкадаги маҳаллий миллатга мансуб ҳарбийлар (манбада мусулмон офицерлари тарзида берилган – Р.Э.) ҳамда ҳарбий мутахассисларнинг рўйхатини тақдим этиш ҳақида буйруқ берди[20]. Чунки улар ўлкада маҳаллий миллат вакиллариини ҳарбий ишга ўргатиш ва ҳарбий таълим бериш мақсадида мусулмон ҳарбий-инструкторлик курсларига ўқитувчи сифатида зарур эди.

ТАССР тузилган вақтда Туркистонда совет ҳокимиятига қарши Фарғона водийсида бошланган қуролли қаршилик ҳаракати бутун Туркистонга кенг тарқалди. Шу сабабли ҳам большевиклар бу ҳаракатга қарши кураш мақсадида қизил армиянинг Туркистондаги миллий қисмларини ташкил этишга киришди.

Қуролли қаршилик ҳаракати вакиллари миллий-маданий ва диний кадриятлари оёк ости қилингани учун большевикларга қарши қуролли ҳаракатларни бошлаганлар ва улар сафида аҳолининг турли қатламлари қатори ғоявий йўлбошчи сифатида Саид Носирхонтўра каби кўзга кўринган машҳур диний уламолар ҳам бор эди.

Совет ҳокимияти ҳам бундай мураккаб вазиятда аҳолининг миллий-маданий ва энг муҳими диний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий миллат вакиллариининг миллий ҳарбий қисмларни шакллантиришга ҳаракат қилди.

1919 йил 7 апрелда Туркистон АССР Ҳарбий инқилобий кенгаши (Реввоенсовет) ташкил этилди. Бу кенгаш ТАССРда келгусида қуролли кучларни шакллантиришда муҳим роль ўйнади. Кенгаш ўз фаолиятининг дастлабки ойларида янги ҳарбий қисмлар ташкил этиш чораларини кўрди. 1919 йил Сирдарё вилояти кўнгиллиларидан таркиб топган III Интернационал номидаги махсус мусулмон батальони ташкил этилди. Махсус батальон командири этиб Мустафо Мансуров тайинланди. III Интернационал номидаги махсус мусулмон батальони билан бир вақтда Самарқандда III Интернационал номидаги 2-мусулмон батальони ва бир қатор ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ташкил этилди[21].

Туркистонда қизил армия қисмларига маҳаллий аҳоли вакиллариини кенг жалб этиш мақсадида қизил армия мусулмон штаби ҳам ташкил этилди. Бу штаб маҳаллий аҳоли орасида ҳарбий хизматни тарғиб этиш ҳамда маҳаллий халқ вакиллариини ҳарбий хизматга сафарбар этиш ишларини олиб борган. Туркистон Республикаси ҳарбий ишлар бўйича комиссариатининг 1919 йил 17 октябрда бўлиб ўтган мажлис қарорига кўра, қизил армия мусулмон штаблари тугатилиб, унинг ўрнига вилоятлар ва уездлар ҳарбий бўлинмалари қошида махсус бўлим ташкил этилди.

Қизил армия таркибидаги мусулмон қизил аскарлар масаласи ҳар бир вилоят ва уезд ҳарбий бўлимлари қошидаги махсус бўлимда кўриб чиқилган. Махсус бўлимнинг мажбуриятларига қуйидагилар кирган:

1. Республика қизил армияси таркибидаги ҳарбий қисмларни мусулмон аскарлари билан таъминлаш ишига кўмаклашиш;

2. Мусулмон аҳолини ҳарбий ишга ўргатиш бўйича энг яхши таклифларни ишлаб чиқиш ва республика ҳарбий комиссари тавсиясига кўра, уларни ҳарбий тажрибада синаб кўриш;

3. Ҳарбий қисмлардаги маҳаллий аҳоли ва европаликларни ягона оила бўлиб яшаши юзасидан таклифлар, тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни республика ҳарбий комиссари тавсияси билан амалиётга жорий этиш;

4. Умуман қизил армия таркибида мусулмон ҳарбий қисмлари ва ҳарбий бўлинмаларга ёрдам бериш.

Қизил армия таркибидаги мусулмон қизил аскарлар бўйича махсус бўлим барча ҳарбий бўлинмаларда сиёсий раҳбар бошчилигида ташкил этилган. Сиёсий раҳбарлар коммунистик партиянинг вилоятлардаги ташкилотлари ва Туркистон Ўлка мусулмонлар бюроси томонидан тайинланган[22].

Туркистон fronti томонидан 1920 йил 7 майда Туркистон ўлкасидан 19 ёшдан 35 ёшгача бўлган 30 минг маҳаллий мусулмон аҳолини қизил армияга қабул қилиш тўғрисида 228-сонли буйруқ чиқарилди[23]. Маҳаллий халқ вакиллари қизил армия қисмларига ҳарбий сафарбар этилиши куни 1920 йилнинг 25 июнидан бошланиши эълон қилинди[24].

Мазкур буйруқни Тошкент шаҳрида ижро этиш мақсадида эски шаҳар ижроия кўмитаси томонидан 5 кишидан иборат комиссия сайланди[25]. Маҳаллий миллат вакиллари аскарликка қуръа, яъни чек ташлаб олинди. Диндор ва руҳонийлар аскарлий хизматдан озод этилди[26]. Кейинчалик бу қоида Туркистон Халқ Комиссарлар Кенгаши ва Туркистон fronti Инқилобий Ҳарбий Советининг 1921 йил 13 февралдаги “Диний эътиқодига кўра ҳарбий хизматдан озод этиш тўғрисида”ги 34-сонли буйруғи билан мустаҳкамланди. Буйруққа биноан, диний эътиқоди бўйича ҳарбий хизматдан озод этилиши куйидаги тартибда белгилаб қўйилди.

1. Ўз диний эътиқодларига кўра, ҳарбий хизматда иштирок эта олмайдиган шахсларга халқ суди қарорига биноан муддатли хизматни юқумли касалликлар госпиталидаги санитар хизмати ёки шунга мувофиқ чақирилувчининг ҳоҳишига кўра бошқа умум фойдали ишлар билан алмаштириш ҳукуқини тақдим этиш.
2. Суд ўз қарорини қабул қилишда гувоҳлар кўрсатмаларига ва ушбу шахснинг ҳаёт тарзи ҳақидаги бошқа маълумотларга асосланган ҳолда унинг гапларининг ҳақиқийлигини ҳамда диний амалларни амалга оширишнинг кетма-кетлигини ўрганади (қачондан бошлаб диний амалларни бажараётганлиги). Ҳақиқатдан ҳам ушбу диний таълимот унга эътиқод қилувчини ҳарбий хизматда иштирок этишдан истисно этиш тўғрисидаги ҳамда ушбу шахс маълум диний таълимот, сектага тааллуқли эканлиги ва бу диний таълимотга ҳаётда амал қилиши ҳақидаги экспертиза хулосаси текширилади. Халқ суди экспертиза тақдим этиш учун ушбу диний эътиқоднинг катта ишончга эга бўлган вакиллари, айниқса, ушбу шахс истиқомат қилувчи ҳудудда яшайдиган шу динга эътиқод қилувчиларни ва шундай билим, тажрибага эга бошқа шахсларни таклиф этади.
3. Маълум бир шахсларни ўз диний эътиқодларига кўра ҳарбий хизматда иштирок эта олмаслиги тўғрисида суд олдидаги илтимос уларнинг тенгқурларини ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар бир ойи ичида кўзғатилиши лозим. Фақат бу муддат чақирикқача бир ҳафта ичида кўзғотилиши лозим. Илтимоснома ўзи ёки бошқа шахс ҳақида кўзғотилиши мумкин.
4. Ўз вақтида ҳарбий хизматдан бўйин товлаган шахслар халқ суди тарафидан шунга мувофиқ, авф берилиши ҳамда иш судда кўриб чиқилиши учун муҳлат тўғрисидаги гувоҳномага эга бўладилар. Ишнинг кўриб чиқиш муддати халқ суди томонидан белгиланади ва имкон қадар чақирикқача кечиктирилмаган муддатда амалга оширилади. Иш судда ҳал этилгунга қадар бундай шахслар ушлаб турилмайди.
5. Истисно ҳолатларда агар суд томонидан бу шахснинг ҳаёт тарзи сектасига тааллуқли адабиётлар ва диний қарашлар нуқтаи назаридан ҳарбий хизмат ўрнига бу шахсни бошқа мажбуриятларга ҳам йўллаб бўлмаса, бундай шахсларга тўлиқ ҳарбий хизматдан

эркинлик ҳуқуқи тақдим этилади[27]. Кейинчалик бу буйруқ миллий-худудий чегараланиш сиёсатидан сўнг ташкил топган Ўзбекистон ССРда Ўзбекистон МИК томонидан янги таҳрирда қабул қилинди[28].

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ташкил топган ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларга маҳаллий аҳоли вакиллари жалб қилинган бўлса-да, уларнинг аксарияти оддий қизил аскар сифатида қабул қилинган, холос. Сабаби бу вақтда маҳаллий аҳоли вакилларида ҳарбий кўмондонлар жуда кам сонли бўлган.

Диний эътиқоди бўйича ҳарбий хизматдан озод этишдан ташқари СССРдаги айрим миллат вакиллари ишчи деҳқон қизил қўшини сафида ҳарбий хизмат ўташ мажбуриятидан озод этилган, яъни бундай миллатлар умуман ҳарбий хизматга чақирилмаган.

Туркистон минтақасида қизил қўшин миллий қисмларининг шакллантирилиши, ҳатто уларнинг айримларига мусулмон ҳарбий қисмлари дея ном берилиши, унинг сафларига маҳаллий миллат вакиллари сафарбар этилишининг бир қатор сабаблари бор эди.

Биринчидан, асрлар давомида ислом анъаналари, кадриятлари асосида яшаган Туркистон аҳолиси атеистик руҳдаги, диний, миллий кадриятларини оёқ ости қилган, минтақада қатор босқинчиликларни амалга оширган қизил қўшинни қабул қила олмади ва унга ишонч билдирмади. Маҳаллий миллат вакиллари орасида қизил қўшинга ишонч уйғотиш ва энг муҳими “ўзимизники” деган тушунчани шакллантириш зарур эди.

Сўнгги Кўкон хони Саййид Муҳаммад Худоёрхоннинг тўртинчи ўғли Саййид Муҳаммад Аминбекнинг ўғли Саййид Азаматбек Худоёрхонов (1898-1938) ҳам Оренбургдаги кадетлар корпуси ва кейинчалик Александровск ҳарбий билим юртини тамомлаб ҳарбий сифатида фаолият юритди. Кейинчалик Саййид Азаматбек Водил қишлоғи (Фарғона вилояти)дан Ўғилхон исмли аёлга уйланди. Ҳозирда ҳаёт бўлган Саййид Азаматбек Худоёрхоновга амакивачча ҳисобланган, Худоёрхоннинг учинчи ўғли Саййид Муҳаммад Умарнинг набираси, Саййид Муҳаммад Худоёрхонга чевара ҳисобланган Шохрух Умаровнинг шахсий архивида Саййид Азаматбек Худоёрхоновнинг турмуш ўртоғи ва қайнонаси билан ҳарбий мундирда эмас, миллий либосда тушган сурати бор. Шохрух Худоёрхоновнинг берган маълумотларига кўра, Азаматбек Худоёрхоновнинг қайнонаси унинг ҳарбий либосда расмга тушишига қаршилик билдирган ва ҳатто ҳарбий мундирдаги Азаматбек билан суратга тушишдан бош тортган. Шундан сўнг Азаматбек миллий либосда суратга тушишга мажбур бўлади[29].

Иккинчидан, совет ҳокимияти ўз жанубий чегараларида Буюк Британиянинг мустақамланиб олиниши ҳамда унинг Афғонистон билан бирга Туркистондаги қуролли қаршилик ҳаракатининг таянчи бўлиб қолишини ҳоҳламас эди. Бухоро амирлиги зўрлик йўли билан давлат сифатида тугатилгач, Афғонистондан қўним топган Бухоро амири Саййид Олимхон қуролли қаршилик ҳаракатини айнан шу ҳудуддан туриб бошқаргани, кейинчалик ҳам Афғонистон туркистонлик муҳожирлар учун бошпана вазифасини бажарганлигида эди.

Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш ва мустақамлаш учун Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан юборилган ҳарбий қисмлар, уларнинг ҳарбий мутахассисларидан усталик билан фойдаланилди. Бунинг асосий сабаби бу ҳудудларда Туркистон маҳаллий халқларининг тили ва динига муштарак татар ва бошқирларнинг истиқомат қилиши, уларнинг русийзабон ҳарбийлардан фарқли равишда, Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси тилини яхши тушуниши эди. Бу ишга Оренбург fronti қўшинлари, Қозон терма отряди, Самара коммуналари жанговар отряди, Нижегород, Челябинск отрядлари, 20-Москва терма полки ва бошқа ҳарбий қисмлар сафарбар қилинган. Бу ҳарбий қисмлар Туркистонга Каспийорти fronti жангларида қатнашиши учун 1918 йил июль ойининг иккинчи ярми ва августнинг биринчи ярмида юборилган эди[30]. Улар шунингдек, Туркистонда шаклланаётган миллий-ҳарбий қисмларни тегишли кадрлар билан таъминлашда ҳам ўрин тутган.

Туркистонда миллий қисмларнинг ташкил топиши ва шаклланиш жараёнини тадқиқ этган совет даври тарихчиси Н.Брилев, маҳаллий аҳолини қизил қўшиннинг Туркистондаги миллий қисмларига ерли миллат вакиллари муваффақиятли жалб этиш учун ҳатто мусулмон

маҳаллий аҳоли ёқтирадиган ранглардан ҳарбий либослар тайёрлаш зарур эканлигини таъкидлаган[31]. Шунингдек, совет ҳокимияти томонидан маҳаллий аҳоли вакиллари ҳарбий хизмат ва қисмлар сафига тортиш жараёнида дастлабки вақтларда маҳаллий аҳолининг ҳарбий сифатлари, маиший турмуш тарзи ҳаттоки эътиқоди каби хусусиятлар ҳисобга олинди. Туркистондаги айрим ҳарбий қисмларда хизмат қилувчи европа миллатига мансуб хизматчилар учун яқшанба куни дам олиш куни сифатида белгиланган бўлса, маҳаллий миллат вакиллари учун жума куни белгиланди[32].

#### 4.Хулоса:

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон минтақасида маҳаллий миллат вакилларида курулди кучларни ташкил этиш ҳамда шакллантириш жараёни мураккаб кечди. Дастлабки вақтларда совет ҳокимияти Россия империяси даврида ҳарбий хизматга сафарбар этилмаган маҳаллий аҳолидан аҳолининг миллий хусусиятларини, энг аввало эътиқодий қарашларини ҳисобга олган ҳолда қўшин шакллантиришга ҳаракат қилди.

Совет ҳокимиятига қарши курашаётган курулди қаршилиқ ҳаракати вакиллари учун эса ислом дини уларни Туркистон озодлиги йўлида ғоявий бирлаштирувчи куч вазифасини бажарди.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Захаров М. Национальное строительство в Красной Армии. –Москва, Военной типографии Управления делами Наркомвоенмор и РВС СССР. 1927., Брилов Н. Қизил қўшин миллий қисмлари ва уларнинг тузилиши, вазифалари (араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида). – Самарқанд, Ўзнашр. 1928.
2. Ҳарбий комитет // Улуғ Туркистон, 1917 йил 23 август.(Zakharov M. National construction in the Red Army. -Moscow, Military Printing House of the Administration of the People's Commissariat for Military Affairs and the Revolutionary Military Council of the USSR. 1927., Brilov N. National parts of the Red Army and their structure, tasks (in the old Uzbek script based on the Arabic alphabet). – Samarkand, Oznashr. 1928.
3. Ҳарбий комитет // Улуғ Туркистон, 1917 йил 23 август. (Military Committee // Great Turkestan, August 23, 1917).
4. Иона – арабча ёрдам, кўмак. Бирор хайр учун тўланган пул. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.2. – Тошкент, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2006. – Б. 222. (Jonah - Arabcha yordam, kўmak. Biror khair uchun tulangan pool. Uzbek tiling izohli lugati. T.2. – Tashkent, Uzbekiston Milliy Encyclopediasi Davlat ilmiy nashriyoti. 2006. – P. 222.)
5. Бу кун байрам // Улуғ Туркистон, 1917 йил 2 октябрь (This day is a holiday // Great Turkestan, October 2, 1917)
6. Туркистондаги аскарйлар съезди // Улуғ Туркистон. 1917 йил 4 ноябрь. (Soldiers in Turkestan felt // Great Turkestan. November 4, 1917.)
7. Туркистонда аскарйлар съезди // Улуғ Туркистон, 1917 йил 4 ноябрь. (Soldiers in Turkestan felt // Great Turkestan. November 4, 1917.)
8. Мусулмон батальони тарқатилув // Улуғ Туркистон. 1917 йил 23 ноябрь.( The disbandment of the Muslim battalion // Greater Turkestan. November 23, 1917.)
9. Askaris felt in Turkestan // Great Turkestan, November 4, 1917.
10. The disbandment of the Muslim battalion // Greater Turkestan. November 23, 1917.
11. Мусулмон батальони тарқатилув // Улуғ Туркистон. 1917 йил 23 ноябрь. (The disbandment of the Muslim battalion // Greater Turkestan. November 23, 1917).
12. Мусулмон солдати кунига ҳозирлик // Улуғ Туркистон. 1917 йил 2 октябрь.(Preparation for the Day of the Muslim Soldier // Great Turkestan. October 2, 1917).
13. Туркистон Мухторияти – 1917 йил 26-28 ноябрь кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Бутун Туркистон мусулмонларининг фавқулдда 4-курултойида ташкил топган. 1918 йил 19-22 февраль кунлари большевикларнинг Қўқонга ҳарбий ҳужуми натижасида

- курол кучи билан ағдарилган. Бу ҳақида қаранг:: Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши. –Тошкент, Маънавият. 2000. -168 б., Агзамходжаев С. История Туркестанского Автономии (Туркистон Мухторияти). – Тошкент, Тошкент ислом университети. 2006. -268 б.( 10. Turkestan Autonomy - was established on November 26-28, 1917 at the extraordinary 4th Congress of Muslims of All Turkistan held in the city of Ko'kan. On February 19-22, 1918, it was overthrown by force of arms as a result of the Bolshevik military attack on Kokan. See about it:: Azamkhozhaev S. Autonomy of Turkestan: Construction of national-democratic statehood. -Tashkent, Spirituality. 2000. -168 p., Agzamkhozhaev S. History of the Turkestan Autonomy (Turkiston Mukhtoriyati). - Tashkent, Tashkent Islom Universiteti. 2006. -268 p.)
14. Куролли қаршилик ҳаракати – Туркистон Мухторияти большевиклар тарафидан ағдарилгач, 1918 йилдан совет ҳокимиятига қарши Фарғона водийсидан минтақа озодлиги учун бошланган ҳаракат. Ҳаракат Фарғона водийсидан Бухоро, Хоразм ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларига ҳам тарқалган. Ҳаракат 1935 йилгача давоб этган. Совет адбиётларида афсуски мазкур ҳаракат “босмачилик” ҳаракати, ҳаракат иштирокчилари эса “босмачилар” деб аталган. Бу ҳақида батафсил: Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924). – Тошкент, Янги нашр. 2015. – 240 б., Шу муаллиф. Вооруженное движение в Туркестане против советского режима (1918-1924). LAPLAMBERT Academic Publishin. Beau Bassin. 2018. – 214 p., Бобоев Ф. Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши куролли ҳаракат тарихи (1925-1935 йиллар). Тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. –Тошкент, 2022. (Armed resistance movement - after the Turkestan Autonomy was overthrown by the Bolsheviks, in 1918, the movement for the freedom of the region from the Ferghana Valley started against the Soviet authorities. The movement spread from Ferghana Valley to Bukhara, Khorezm and other cities of Central Asia. The movement continued until 1935. Unfortunately, in Soviet literature, this movement was called the "printing" movement, and the participants of the movement were called "printers". More about it: Rajabov Q. The independence movement in the Ferghana Valley: essence and main stages of development (1918-1924). - Tashkent, New edition. 2015. – 240 p., Same author. Voorujennoe dvigenie v Turkeстане protiv sovet'skogo regime (1918-1924). LAPLAMBERT Academic Publishing. Beau Bassin. 2018. – 214 p., Boboev F. History of the armed movement against Soviet power in Central Asia (1925-1935). Dissertation submitted for the degree of Doctor of Science (DSc) in History. autoref. -Tashkent, 2022.)
15. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова. – Ташкент, Шарқ. 2000. – С.115. (12. Turkestan and the beginning of the 20th century: Historical history of national independence. Scientific editor R. Ya. Radjarova. - Tashkent, East. 2000. – P.115.)
16. Тоболин Иван Осипович (1885-1941) – Туркистон АССР МИК раиси, шунингдек Тошкент партия қўмитаси раиси лавозимларидан ишлаган. 1941 йилда вафот этган. Бу ҳақида батафсил: <https://centrasia.org/person2.php?st=1611131035> (Tobolin Ivan Osipovich (1885-1941) - served as the chairman of the Central Committee of the Turkestan ASSR, as well as the chairman of the Tashkent Party Committee. He died in 1941. More about it: <https://centrasia.org/person2.php?st=1611131035>)
17. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар // Тўпловчи Б. Қосимов. – Тошкент, Маънавият. 2009. – Б.211.(Mahmudhoja Behbudi. Selected works // Collector B. Kasimov. - Tashkent, Spirituality. 2009. – P.211.)
18. Брилов Н. Қизил қўшин миллий қисмлари ва уларнинг тузилиши, вазифалари (араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида). – Самарқанд, Ўзнашр. 1928. –Б.16. (15. Brilov N. National parts of the Red Army and their structure, tasks (in the old Uzbek script based on the Arabic alphabet). – Samarkand, Oznashr. 1928. – P.16.)
19. Брилов Н. Қизил қўшин миллий қисмлари ва уларнинг тузилиши, вазифалари (араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида). – Самарқанд, Ўздавнашр. 1928. – Б.16. ( Brilov

- N. National parts of the Red Army and their structure, tasks (in the old Uzbek script based on the Arabic alphabet). – Samarkand, Uzdavnashr. 1928. – P.16.)
20. Турор Рискулов (1894 йил, Еттисув (ҳозирги Олмаота) вилояти Верний уезди Шарқий Тўрғай бўлиси (волости) – 1938.10.2, Москва) – давлат ва жамоат арбоби. Туркистон АССР соғлиқни сақлаш халқ комиссари (1918—19), Туркистон компартияси Мусулмонлар бюроси раиси (1919-1920), Туркистон АСР МИҚ раисининг 1-ўринбосари (1919 йил октябрдан), ТАССР МИҚ раиси (1920). Рискулов Москвага чақириб олиниб, унга РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарлигининг 2-ўринбосари, комиссарликнинг Озарбайжондаги мухтор вакили лавозимлари (1920 йил август – 1922 йил июль) берилди. Кейин ўз юртига қайтарилди ва у Туркистон АСР Халқ Комиссарлари Совети раиси вазифасида ишлай бошлади (1922 йил сентябрь – 1924 йил январь). У 1937 йилнинг 21 майида ҳибсга олинган. Туркистондаги “Иттиҳоди тараққий” миллатчилик ташкилотига алоқадорлик ва “пантуркизм”да айбланиб, 1938 йилда отишга ҳукм қилинган. 1956 йил оқланди. Батафсил қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. – Тошкент, Шарқ. 2000. – Б.78., Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 7-жилд. – Тошкент, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2004. – Б.206. (Turor Riskulov (1894, East Torgai district, Verny uezd, Ettisuv (now Almaty) region - 10.2.1938, Moscow) - public figure. People's Commissar of Health of the Turkestan ASSR (1918-19), Chairman of the Muslim Bureau of the Turkestan Communist Party (1919-1920), 1st Deputy Chairman of the Turkestan ASSR MIQ (from October 1919), Chairman of the TASSR MIQ (1920). Riskulov was recalled to Moscow and given the post of 2nd deputy of the People's Commissariat of National Affairs of the RSFSR, autonomous representative of the Commissariat in Azerbaijan (August 1920 - July 1922). Then he was returned to his country and he began to work as the chairman of the Council of People's Commissars of the Turkestan ASR (September 1922 - January 1924). He was arrested on May 21, 1937. He was sentenced to death in 1938, accused of "pan-Turkism" and connection to the nationalist organization "Ittihodi Taraqqi" in Turkestan. 1956 acquitted. See more: New history of Uzbekistan. Uzbekistan during the Soviet colonial period. Book 2. - Tashkent, East. 2000. – B.78., National Encyclopedia of Uzbekistan. Volume 7. - Tashkent, National Encyclopedia of Uzbekistan State Scientific Publishing House. 2004. – P.206.)
21. Мусулмонлар бюроси – Туркистон миллий коммунистлари томонидан ташкил қилинган раҳбар ташкилот (1919—20). Туркистон Коммунистик партияси (ТКП)нинг 2-ўлка конференциясида – Т.Рискулов (раис), Н.Хўжаев, А.Муҳитдинов, Ю.Иброҳимов, Ю.Алиев (аъзолар)лардан иборат таркибда тузилган бўлиб, Бюро аъзолари совет ҳокимиятидан вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодиётни тиклаш учун кўрбошилар ва уларнинг йигитларига умумий афв эълон қилиш, аҳолини тинч меҳнатга қайтариб вайрон қилинган хўжаликни қайта тиклаш, совет ташкилотлари ва Қизил армия сафларини миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизми ва мустамлакачилик руҳидаги унсурлардан тозалаш, арман дашноқларини қуролсизлантириш миллий зулмга чек қўйиш, Фарғона вилоятига махсус комиссия юбориш каби кескин талабларни қўйишган. Бюро Турккомиссиянинг тазйиқи билан 1920 йилда ўз фаолиятини тўхтатган. Бу ҳақида қаранг: Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар). – Тошкент, Университет. 2002. – 166 б. (18. The Muslim Bureau is a leading organization established by the national communists of Turkestan (1919-20). At the 2nd regional conference of the Communist Party of Turkestan (ТКП) - Т. Riskulov (chairman), N. Khojaev, A. Muhitdinov, Yu. Ibrohimov, Yu. Aliev (members), the members of the Bureau asked the Soviet authorities to stabilize the situation, in order to restore the economy, announce a general amnesty to the soldiers and their young men, return the population to peaceful work, restore the destroyed economy, cleanse the ranks of Soviet organizations and the Red Army of nationalism, great state chauvinism and elements of the colonial spirit, disarm Armenian soldiers, put an end to national oppression, special they made strict demands such as sending a commission. The Bureau ceased its activity in 1920 under the pressure of the Turkish Commission. See about it:

- Rajabov Q., Heydarov M. History of Turkestan (1917-1924). - University of Tashkent. 2002. - 166 p.)
22. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. – Тошкент, Шарқ. 2000. – Б.78. (New history of Uzbekistan. Uzbekistan during the Soviet colonial period. Book 2. – Tashkent, East. 2000. – P.78.)
  23. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов). Ч.1 1917-1918. Узбекское государственное издательство. 1925. – С.158. (Ryskulov T. Revolution and the indigenous population of Turkestan (Collection of the most important articles, reports, speeches and theses). Part 1 1917-1918. Uzbek state publishing house. 1925. – P.158.)
  24. Кулмухамедов Т.К. Отдельный добровольческий имени III Интернационала. В кн: за Советский Туркестан. – Ташкент, 1963. – С.323. (Kulmukhamedov T.K. Separate volunteer named after the III International. In the book: for the Soviet Turkestan. - Tashkent, 1963. – P.323.)
  25. РГВА, 25898-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 3-варақ. (RGVA, fund 25898, list 1, case 43, sheet 3.)
  26. ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1038-иш, 172-варақ.; Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. – Ташкент, АН РУз ССР. 1961. – С.196.; Воскобойников Э., Зевелев А. Турккомиссия ВЦИКа и СНК РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. – Ташкент, Госиздат. 1951. – С.121. (UzMA, fund R-17, list 1, case 1038, sheet 172; Shamagdiev Sh.A. Essays on the history of the civil war in the Ferghana Valley. - Tashkent, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. 1961. - P. 196.; Voskoboynikov E., Zevelev A. The Turkcommission of the All-Russian Central Executive Committee and the Council of People's Commissars of the RSFSR and the Turkburo of the Central Committee of the RCP (b) in the struggle for the strengthening of Soviet power in Turkestan. - Tashkent, Gosizdat. 1951. – P.121)
  27. РГВА, 110-фонд, 5-рўйхат, 585-иш, 224-225-варақлар (RGVA, fund 110, list 5, case 585, pages 224-225.).
  28. Аскарлик // Иштирокиюн, 134-сон, 1920 йил, 2 июль. (Military // Ishtirokiyun, No. 134, July 2, 1920.)
  29. Муҳаммад Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожиаси. Мадинаи Мунаввара. 1399 (1979 милодий). – Б.151. (Muhammad Musa Turkistani. Tragedy of Great Turkestan. Medina Munawwara. 1399 (1979 AD). – P.151.)
  30. Сборник важнейших декретов постановлений и распоряжений правительства ТАССР за 1917-1922 гг. – Ташкент, Издание комиссия СНК. 1922. – С.117-118.(Collection of the most important decrees of resolutions and orders of the government of the TASSR for 1917-1922. - Tashkent, Edition of the Commission of the Council of People's Commissars. 1922. – P.117-118.)
  31. ЎзМА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2925-иш, 280-291 варақлар. (UzMA, fund R-86, list 1, case 2925, sheets 280-291.)
  32. Ахборотчи Шохрух Умаров – хозирда 66 ёшда бўлиб, Худоёрхоннинг учинчи ўғли Саййид Муҳаммад Умарнинг набираси, Саййид Муҳаммад Худоёрхонга чевара. 2013 йил 18 февралда бўлиб ўтган суҳбатдан ёзиб олинган. (Informant Shahrukh Umarov - now 66 years old, grandson of Sayyid Muhammad Umar, the third son of Khudoyor Khan, great-grandson of Sayyid Muhammad Khudoyor Khan. Recorded from an interview held on February 18, 2013).
  33. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924). – Тошкент, Университет. 2005. – Б.72. (Rasulov A. Relations between Turkestan and Volgaboyi, Uralaldi peoples (1917-1924). - University of Tashkent. 2005. – P.72.)
  34. Брилев Н. Национальная Красная Армия // Красная казарма, 1923 год, №3. – Б.19. (Brilev N. National Red Army // Red Barracks, 1923, №3. – P.19).

35. ЎзМА, Р-339-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 14-варақ. Туркистон АССР МИҚнинг 1921 йил 7-февралдаги 14-сонли буйруғига кўра, 10-Туркистон отлик дивизияси, 4-Туркистон ўқчи бригадаси, Туркистон АССР ҳузуридаги отлик эскадрон, 2-Туркистон отлик дивизияси ҳарбий хизматлари учун ҳафтанинг жума куни дам олиш куни деб белигиланган. (UzMA, fund R-339, list 1, case 172, sheet 14. According to the order No. 14 of the MIQ of the Turkestan ASSR dated February 7, 1921, Friday was designated as a day of rest for the military services of the 10th Turkestan Cavalry Division, the 4th Turkestan Rifle Brigade, the cavalry squadron under the Turkestan ASSR, and the 2nd Turkestan Cavalry Division.)

# ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадqiqот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000